

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИНГ АҲАМИЯТИ

**К.З.Музаффарова**

ҚарМИИ катта ўқитувчиси

**С.У.Эшмуродова**

ҚарМИИ “Банк иши” йўналиши талабаси

### Аннотация

Ушбу мақолада мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишда тижорат банкларининг роли ва аҳамияти, шунингдек, инвестиция муҳити ва уни яхшилаш омиллари ҳақида тавсия ва хулосалар келтирилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестиция муҳити, хорижий инвестиция, инвестициявий жозибадорлик, банк, банк кредити, молия бозори, фонд бозори

**Кириш.** Бугунги глобаллашув шароитида кўпгина мамлакатлар ўртасида интеграциялашув жараёни ҳам ривожланиб бормоқда. Ушбу кўрсаткичлар ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ўз ифодасини топиб бормоқда. Ушбу тенденциялар, ўз даврида, молия бозорларининг, тижорат банкларининг, молиявий механизмлар, шу жумладан инвестициялар тушумини ҳам мутлақо ўзгартириб юбормоқда.

Маълумки, бугун қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритаётган бўлса, ушбу мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришаётгани аксиомага айланиб улгурди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди. Инвестиция билан бирга турли соҳа ва тармоқларга, ҳудудларга янги технологиялар, илғор тажрибалар, юксак малакали мутахассислар кириб келади, тадбиркорлик жадал ривожланади”.

Инвестицияларни жалб қилиш ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлашда қулай инвестиция муҳитини яратиш энг муҳим шартлардан бири саналади.

**Методлар ва материаллар.** Г.Подшиваленко ва Н.Киселева таҳрири остида тайёрланган ўқув қўлланмада “Инвестициялаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишда энг кенг тарқалган мезонлардан бири бу – макродаражадаги инвестицион муҳит ва инвестициялаш объектининг

инвестициявий жозибаторлигини баҳолаш ҳисобланади”<sup>1</sup> деб таъкидланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистонлик ва бошқа кўплаб хорижий олимларнинг “инвестиция муҳити” ва “инвестициявий жозибаторлик” тўғрисидаги илмий изланишларини ўрганар эканмиз, уларнинг илмий ишларда ушбу категорияларнинг ягона таърифи йўқлигига дуч келамиз. Айрим адабиётларда баъзи муаллифлар ушбу икки атамани синоним сўзлар сифатида ишлатадилар. Ушбу масала бўйича замонавий қарашларнинг таҳлили “инвестиция муҳити”нинг жуда мураккаб ва кўп қиррали тушунча эканлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, “инвестиция муҳити”га нисбатан турли сифат тавсифларини қўллаш ҳолати ҳам кузатилади. Шу жумладан, Б.А.Охунов мақбул инвестиция муҳити тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Мақбул инвестиция муҳити – инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан мамлакат ва инвесторлар хавф-хатарлари ҳамда манфаатларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар тизимидир”<sup>2</sup>.

**Натижалар ва муҳокама.** Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш аввало мамлакатда оқилона инвестиция сиёсатини юритишга боғлиқ. Давлат инвестиция сиёсатини юритишдан кўзланадиган мақсадлардан бири доимий равишда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратишдир. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инвесторлар учун шундай қулай муҳит яратилган. Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш ва уларни рағбатлантириш тизими шулар жумласига киради.

Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини молиявий таъминлаш тизими таркибига қуйидагилар киради:

- тижорат банклари; банкдан ташқари кредит ташкилотлари (кредит уюшмалари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлари);
- бюджетдан ташқари жамғармалар;
- лизинг компаниялари;
- халқаро молия институтлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий банклар;
- донор ташкилотлар, ҳомийлик ташкилотлари;
- суғурта компаниялари;
- консалтинг фирмалари; инжиниринг компаниялари; ахборот-маслаҳат маркази;
- аудиторлик фирмалари, ҳуқуқий маслаҳатхоналар, реклама агентликлари, савдо-воситачилик тузилмалари, биржалар ва бошқалар.

Шундай экан, ушбу муҳим йўналишда тижорат банклари қандай иштирок этяпти? Тўғри, юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигацияларини халқаро молия бозорларига чиқарилди. Бу борада “J.P.Morgan”, “Citibank”, “Deutsche Bank” каби етакчи халқаро инвестиция банклари билан ҳамкорлик олиб бориляпти.

Лекин хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимиз банк-молия салоҳиятини тўла намоён этиш учун яна қандай чоралар кўрилмоқда ёки кўриш керак?

Охирги йилларда банк ва молия тизимида жадал давом эттирилаётган жадал ислоҳотлар аввало соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этишда намоён бўляпти. Ўз навбатида

<sup>1</sup> Инвестиционная деятельность: учебное пособие / Н.В. Киселева, Т.В. Боровикова, Г.В. Захарова и др.; под ред. Г.П. Подшиваленко и Н.В. Киселевой. – 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2006. – 432 с.

<sup>2</sup> Охунов Б.А. Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиши шароитида мақбул инвестиция муҳитини шакллантириш (Фарғона водийси вилоятлари мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 2010.

узоқ йиллар давомида банклар капиталининг асосий қисми давлатга тегишли бўлиб келганди. Бу эса банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб келар, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир кўрсатиб келаётган эди.

Бинобарин, сўнгги йилларда банклар фаолияти, айниқса, уларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган муҳим институционал ўзгаришлар амалга ошириляпти. Давлат раҳбарининг топшириғи билан ҳукумат ва Марказий банк халқаро молия институтлари кўмагида банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилмоқда.

Зеро, шу асосда банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келади. Пировардида давлат банклари улуши босқичма-босқич камайиб боради ва соҳада рақобат муҳитини яхшилаш, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини, айниқса, уларнинг инвестицион активлигини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

**Хулоса ва таклифлар.** Бу йўлда молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш, янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини рақобатли топтиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Сармоядорлар учун кенг ва қулай шароитлар яратиб берилияпти. Бу йўлдаги биринчи қадам албатта валюта бозорини эркинлаштириб борилаётгани ҳисобланади.

Айнан мазкур омиллар тижорат банкларининг инвестициявий фаолияти самарадорлигини ошириш, институционал асосларини такомиллаштиришга туртки бўляпти.

Шу билан бирга Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кириб келишига ижобий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- арзон ва малакали ишчи кучининг мавжудлиги;
- республикамизнинг табиий-иқтисодий ресурсларга бой эканлиги;
- мамлакатимиз табиий-иқлим шароитларининг йирик миқдорда қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқариш имкониятига эгаллиги;
- миллий бозорнинг истиқболли эканлиги;
- мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг мавжудлиги;
- қулай меъёрий-ҳуқуқий базанинг шаклланиши ва ҳ.к.<sup>3</sup>

Ушбу омиллар инвестицияларни жалб этишга ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар бўлиб ҳисобланади. Банкларнинг инвестицияларни жалб этишдаги фаоллигини ошириш учун ҳам бир қанча қулай имкониятлар яратилган. Зеро, ҳар қандай ислоҳот натижаси халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишга хизмат қилиши даркор. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди”. Тижорат банклари эса айнан мана шундай муҳим жараёнларнинг энг фаол ва узлуксиз иштирокчисига айланиши бугун ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз керакки, келгусида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги техника ва технологиялар орқали маҳсулот ва хизматлар яратиш тизимини кенгайтириш, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариш кўламини ошириш, четга товарларни экспорт қилиш

<sup>3</sup> Тухлиев Н., Хақбердиев Қ., Эрмаматов Ш., Холматов Н. Ўзбекистон иқтисодиёти асослари. - Т: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2006. - 233-б.

имкониятини оширишимиз учун банк инвестициялари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ва банк инвестицияларини корхоналарга киритиш орқали корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришда банк ҳам ўз назоратига ва масъуллигига эга бўлади.

### Адабиётлар рўйхати

1. Bahadirovich, A. F. (2022). Conditions for Forming the Digital Economy in the Republic of Uzbekistan. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2, 88-92.
2. Bahadirovich, A. F. (2021). The Main Directions of State Regulation of Entrepreneurial Activity. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 12, 22-27.
3. Egamberdiyeva Salima Rayimovna, & Aralov Sabir Javli ugli. (2022). Issues of Compliance of Financial Statements with International Standards. *Journal of Corporate Finance Management and Banking System ( JCFMBS) ISSN : 2799-1059, 2(02), 1–10.* <https://doi.org/10.55529/jcfmbs22.1.10>
4. Yakubova, S. S., Egamberdiyeva, S. R., & Boyqobilov, F. S. (2022). ТА’ЛИМ МУАССАСАСИ ВА ИШЛАБ CHIQARISH HAMKORLIGI SALOHİYATLI KADR TAYYORLASHNING ASOSIY OMILIDIR. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 211-216.
5. Tursunov, I., Jumayeva, G., & Ostanov, K. (2017). Features of innovation development of the economy Uzbekistan. In *International conference on scientific development in North America* (pp. 43-49).
6. Жумаева, Г. Ж., Хасанова, Ю. М., & Рузиев, З. И. СВОБОДНЫЕ ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ И ИХ РОЛЬ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ УЗБЕКИСТАНА.
7. Алимханова, А. Н., & Мицель, А. А. (2019). Оценка эффективности предприятий на основе метода DEA. *Доклады Томского государственного университета систем управления и радиоэлектроники*, 22(2), 104-108.
8. Равшанов, А. Д., Хасанов, Ш. Х., & Алимханова, Н. А. (2018). Қишлоқ хўжалигини инвестицион-инновацион ривожлантириш имкониятлари ва истикболлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (11), 9-14.
9. Эргашева, Н. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Innovatsion texnologiyalar*, 1(04), 108-111.
10. Azimova, N. E. (2022). ISSUES OF DEVELOPMENT OF FOREIGN TRADE WITH THE HELP OF FOREIGN INVESTMENTS. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 183-188.
11. Alisher Ravshanov 2022. The city as a social phenomenon: sociological and historical approaches. *INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL "THE CAUCASUS AND THE WORLD"*. 24 (May 2022), 153–158. DOI:<https://doi.org/10.52340/isj.2022.24.22>.
12. Kholmurodov, O. (2022). CONSOLIDATED FINANCIAL STATEMENTS AND THEIR THEORETICAL FOUNDATIONS. *Educational Research in Universal Sciences*, 1(7), 432-436.
13. Normamatovich, Kholmurodov O., et al. "Creating a Favorable Environment for Attracting Foreign Investment and Strengthening Its Legal Framework." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 53-56.
14. Bobaqulovich, R. A. (2022). PROBLEMS OF REFLECTING THE COST OF GOODS AND MATERIAL RESOURCES. *IJODKOR O'QITUVCHI*, 2(19), 151-159.

15. Эгамбердиевна, А. Х. (2021). ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ВА ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ. Журнал Инновации в Экономике, 4(5).
16. Zoyirovna, M. K. (2022). DYNAMICS OF ATTRACTING FOREIGN INVESTMENTS TO THE ECONOMY OF KASHKADARYA REGION AND THE FACTORS AFFECTING IT. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 226-233
17. Zoyirovna, M. K. (2022). IMPORTANCE OF ENTERPRISES WITH FOREIGN INVESTMENT IN THE DEVELOPMENT OF THE REGIONAL ECONOMY. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 219-225.
18. БУТУНОВ, Ш. ВЛИЯНИЕ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИХ И БАНКОВСКИХ ФАКТОРОВ НА УРОВЕНЬ НЕДЕЙСТВУЮЩИХ КРЕДИТОВ: РЕЗУЛЬТАТЫ ПО СТРАНАМ СНГ. *ECONOMICS*, (3), 33-42.
19. Mamasabirovich, M. K., & Hakimovich, B. K. (2023). ORGANIZATION OF PRIVATE CAPITAL ACCOUNTING IN ECONOMIC ENTITIES IN ACCORDANCE WITH INTERNATIONAL STANDARDS OF FINANCIAL REPORTING (IFRS). *Gospodarka i Innowacje.*, 32, 49-54.
20. Khakimovich, B. K. (2019). THE INTERNATIONAL TREATIES FOR THE AVOIDANCE OF DOUBLE TAXATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Review of law sciences*, 1(7), 89-91.
21. Ziyadullayevich F. J. et al. MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI //Current Issues of Bio Economics and Digitalization in the Sustainable Development of Regions. – 2022. – С. 847-852.
22. Farmanov, J. Z., Rimboeva, N., & Qaxramonov, F. (2022). MAMLAKATIMIZDA AGRAR SIYOSATNI AMALGA OSHIRISHNING ASOSIY YO'NALISHLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1191-1197.
23. Musagaliev, A. J., & Shodiev, B. T. (2023). Issues of Efficient Usage of Pastures in the Development of the Cattle Farming Network. *UTTAR PRADESH JOURNAL OF ZOOLOGY*, 81-87.
24. Шодиев Б.Т. (2022). ПРИОРИТЕТНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПАСТБИЩ. *Экономика и социум*, (10-1 (101)), 750-759.
25. Бердиев, А. Х., & Расулов, Х. К. (2020). Современный экономический механизм развития сельского хозяйства. *Вестник науки и образования*, (5-1 (83)), 41-45.
26. Hakimovich, B. A. (2021). Measures to Increase the Popularity Of Banking Services. *International Journal of Modern Agriculture*, 10(2), 3943-3949.
27. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
28. Туробов, Ш. А. (2022). АЁЛЛАР МЕҲНАТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ. *ЎТМОИЙ ФАҢЛАРДА ИННОВАСИЯ ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ*, 127-134.
29. Yakubova, S. (2021). Sh. The role of effective implementation of monetary policy in a pandemic condition/Sh. Sh. Yakubova, MD Raimova. *Theoretical & Applied Science*, (12), 104.

30. R. H. Djalilov. (2023). PROBLEMS OF CALCULATION OF VALUE ADDED TAX IN THE TAX SYSTEM OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *Intent Research Scientific Journal*, 2(3), 65–71. Retrieved from <https://intentresearch.org/index.php/irsj/article/view/52>
31. Hamidovich, D. R. (2022). REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE ORGANIZATION OF CAMERAL CONTROL IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS SIGNIFICANCE. *Gospodarka i Innowacje.*, 30, 49-54.
32. Iskandarovich, R. R. (2022). QISHLOQ XO ‘JALIGIDA AGROKLASTERLARINI BARPO ETISHNING XORIJ TAJRIBALARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 24, 390-394.
33. Рашидов, Р. И., & Муртазаев, Н. Р. (2020). DIRECTIONS OF INNOVATIVE AGRICULTURAL DEVELOPMENT. *ЖУРНАЛ АГРО ПРОЦЕССИНГ*, 2(7).
34. Музаффарова, К. З. (2021). МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ. *Архив научных исследований*, 1(1).
35. Музафарова, К. З. (2019). Роль иностранных инвестиций в развитии национальной экономики Узбекистана. *Экономика и предпринимательство*, (1), 411-414.
36. Аликулов, А. Т. (2020). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕХАНИЗМОВ ТОРГОВЛИ НА ФОНДОВОМ РЫНКЕ УЗБЕКИСТАНА. In *Актуальные вопросы экономики* (pp. 63-66).
37. Alikulov, A. T. (2022). In Uzbekistan, the use of the Stock Market in Attracting Financial Resources by Corporate Entities is One of the Tools. *Journal of Marketing and Emerging Economics*, 2(5), 66-69.
38. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
39. Утанов Б., Маматкулов Б., Ахмедова М., Муродов Дж. и Абдикулова Д. (2021). Взаимосвязь взаимодействия сельскохозяйственного производства с объемом дехканского производства в Узбекистане. *Илкогретим Онлайн*, 20 (3).
40. Atajanovich, M. A., Faizullaevich, K. A., & Akhmatzhanovich, M. M. (2022, October). DEVELOPMENT OF THE INVESTMENT MECHANISM DURING THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY. In *INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS* (Vol. 1, No. 25.10, pp. 292-308).
41. Хуррамов Азамат Файзуллаевич, Аралов Худоёр Мусакулович, & Маматов Мамажан Ахматжанович (2022). МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШУВИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (7 (155)), 2-10. doi: 10.34920/EIF/VOL\_2022\_ISSUE\_7\_1